

ЖИГАРНИНГ СУРУНКАЛИ ДИФФУЗ КАСАЛЛИКЛАРИ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, ЭТИОПАТОГЕНЕЗИ ВА КЛИНИК-МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ

Казакова Н.Н.¹

Курамбаева Н.Я.²

<https://orcid.org/0000-0002-9434-540X>

¹Бухоро давлат тиббиёт институти (Бухоро, Ўзбекистон)

²MEMORIAL HOSPITAL» МЧЖ (Хоразм, Ўзбекистон)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18239245>

Долзарблиги: Эпидемиологик маълумотлар бутун дунёда ЖСДК билан оғриган беморлар сонининг ортиб бораётганини, айниқса, МДЁЖКнинг метаболик синдром билан биргаликда глобал пандемия даражасига етганини кўрсатмоқда. Сурункали вирусли гепатитлар жигарнинг сурункали яллиғланишининг энг кенг тарқалган сабабларидан бири ҳисобланади. ЖССТ маълумотларига кўра, дунё бўйича 257 миллион киши сурункали HBV инфекцияси билан яшайди. Катталарда HBV инфекциясининг сурункали шаклга ўтиш эҳтимоли 5% дан кам бўлса-да, перинатал юқтириш ҳолатларида бу кўрсаткич 90% гача етади [2,3,6].

Тадқиқот мақсади: жигарнинг сурункали диффуз касалликлари этиопатогенезининг (сабаблари ва ривожланиш механизмлари) замонавий хусусиятларини, шунингдек, ушбу касалликларнинг аҳоли орасида тарқалиши (эпидемиологияси) ва кечиш қонуниятларини комплекс таҳлил қилиш.

Тадқиқот усуллари ва методлари: Замонавий илмий билимларнинг турли тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, биз ўз тадқиқот методологиямизни етарли даражада белгиланган вазифа билан ишлаб чиқдик.

Тадқиқот натижалари:

Жигар сурункали диффуз касалликлари (ЖСДК) дунё миқёсидаги долзарб тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб, унинг асосий этиологик омиллари сурункали вирусли гепатитлар (В ва С), алкогольли жигар касаллиги (АЖК) ва тобора кенг тарқалаётган метаболик дисфункция билан боғлиқ ёғли жигар касаллиги (МДЁЖК) ҳисобланади. Жигар сурункали диффуз касалликларида жигар паренхимасининг сурункали яллиғланиши, некрози ва фиброзга ўтиши билан тавсифланади, бу эса яқунда жигар циррозига ва гепатоцеллюляр етишмовчиликка олиб келади. Касалликнинг ривожланиши жигарнинг оқсил-синтетик функциясининг пасайиши (албумин ва коагуляцион омиллар синтезининг бузилиши), детоксикация функциясининг издан чиқиши (аммиакнинг тўпланиши), шунингдек, портал гипертензия ва геморрагик синдром каби оғир асоратлар ривожланиши билан бевосита боғлиқ [2,4].

Targownik ва ҳаммуллифлари алкогольсиз ёғли жигар касаллигининг агрессив шакли алкогольсиз стеатогепатит бўлиб, у жигар яллиғланиши ва фиброзига олиб келади. Алкоголсиз жигар касаллиги сабабали ривожланган МДЁЖК беморларининг 15% дан 40% гачаси 5-10 йил ичида жигар циррозига ўтиши мумкин [1,3,5].

Sargenti ЖСДК ни ўрганиш давомида олиб борган тадқиқотларида сурункали жигар касалликларидан ўлим ҳолатларининг 48% гачаси бевосита алкоголь истеъмоли билан боғлиқлигини аниқлаган. Osna ва унинг ҳаммуаллифлари эса мунтазам алкоголь истеъмоли жигар ҳужайраларига бевосита токсик таъсир кўрсатиши ва алкогольли

стеатоз, алкоголли гепатит ва ниҳоят алкоголли циррозга олиб келиши, касалликнинг прогресси жигарда ацеталдегид тўпланиши ва оксидланиш стресси билан боғлиқлигини исботлашган [1,2,4].

Хулосалар:

1. Жигар сурункали диффуз касалликлари бутун дунё бўйича ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, глобал соғлиқни сақлаш учун улкан муаммо ҳисобланади (ҳар йили тахминан 2 миллион ўлим ҳолати). Касалликнинг асосий этиологик омиллари сифатида сурункали вирусли гепатитлар (В ва С), алкоголли жигар касаллиги ва тобора кенг тарқалаётган Метаболик Дисфункция билан боғлиқ ёғли жигар касаллиги (глобал тарқалганлиги 30.05% ва ўсиш тенденцияси) аниқланди.

2. ЖСДКнинг охириги босқичи жигар циррози бўлиб, у жигарнинг оқсил-синтетик ва детоксикация функцияларининг бузилиши, портал гипертензия ва геморрагик синдром каби оғир асоратларга олиб келади. Циррознинг морфологик таснифи (микронодуляр, макронодуляр ва аралаш) асосан регенератив тугунчаларнинг ўлчамига боғлиқ.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ивашкин В.Т. и соавт. Клинические рекомендации Российского общества по изучению печени по ведению взрослых пациентов с алкогольной болезнью печени // Российский журнал гастроэнтерологии, гепатологии, колопроктологии. – 2017. – Т. 27. – № 6. – С. 20-40.
2. Ивашкин В.Т. и соавт. Клинические рекомендации Российского общества по изучению печени и Российской гастроэнтерологической ассоциации по диагностике и лечению фиброза и цирроза печени и их осложнений // Российский журнал гастроэнтерологии, гепатологии, колопроктологии. – 2021. – Т. 31. – № 6. – С. 56-102. URL: <https://www.gastro-j.ru/jour/article/view/621/>
3. Ивашкин В.Т. и соавт. Клинические рекомендации Российской гастроэнтерологической ассоциации и Российского общества по изучению печени по диагностике и лечению холестаза // РЖГГК. – 2015. – № 2. – С. 41-57.
4. Казакова Н.Н. Аёлларда кечадиган остеопорознинг оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарига таъсирини ўрганиш ва клиник баҳолаш // Биология ва тиббиёт муаммолари – 2023 – Б. 315-321.
5. Казакова Н.Н. Бронхиал астма билан оғриган беморларда тиш касалликларининг этиопатогенетик жиҳатларининг ўрганиш (Адабиётлар шарҳи) // Тиббиётда янги кун – 2024. – Б. 59-64.
6. Казакова Н.Н. Бронхиал астма билан оғриган беморларда тиш касалликларининг этиопатогенетик жиҳатлари (Адабиётлар шарҳи) // Узбекистон тиббиёт журнали – 2024. – Б. 49-52.
7. Казакова Н.Н. Комплексный подход к лечению пародонтита у женщин с остеопорозом в менопаузальном периоде // Тиббиётда янги кун – 2023 – С. 137-142.
8. Казакова Н.Н. результаты клинико-стоматологического обследования, проведенного у пациентов с хроническим рецидивирующим пародонтитом на фоне бронхиальной астмы // Амалий ва тиббиёт фанлари илмий журналы – 2024. – С. 213-217.

9. Казакова Н.Н. Умумий остеопороз билан оғриган менопауза давридаги аёлларда оғиз бўшлиғи аъзолари касалликларини замонавий текшириш ва ташхислаш усуллари // Журнал стоматологии и краниофасциальных исследование. – 2023 – Б. 44-48.
10. Казакова Н.Н. Этиопатогенетическая классификация стоматологических заболеваний у больных бронхиальной астмой // Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali. – 2024. – С. 38-42.
11. Kazakova N.N. Etiopathogenetic aspects of dental diseases in patients with bronchial asthma // Тиббиётда янги кун. – 2024. – Р. 216-222.
12. Urakov Sh.T. et al. Diagnostics and treatment of mechanical jaundice on the background of liver cirrhosis // Theor Appl Sci. – 2020. – № 7. – Р. 432-435.
13. Weltzsch J.P et al. Autoimmune Hepatitis: Von Autoantikörpern bis Zirrhose // Inn Med (Heidelb). – 2023. – Vol. 64, № 7. – Р. 655-667.